70596

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 апрель куни Япониянинг Сакигаки партияси раиси Масаёши Такемура раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Узбекистон раҳбари мамлакатимиз билан кунчиқар юрт — Япония ўртасидаги муносабатлар янгича ҳуқуқий асосда барқарор ривожланиш, ҳамкорликнинг кенгайиши босқичига кирганини мамнуният билан таъкидлади. Бунда Япония тадбиркорлари, хусусан, Узбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилаётган «Мицуи», «Марубени», «Сумитомо», «Тойото» каби фирма ва компаниялар муносиб ҳисса қўшаётганини қайд этди.

Жаноб Масаёши Такемура самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Ўзи раҳбарлик қилаётган партия Япония билан Узбекистон ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш тарафдори эканини айтди.

Суҳбат чоғида Узбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш, ҳамкорлик имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга эришиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Узбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси С. Сафоев иштирок этди.

Учрашувда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосаки ҳозир бўлди.

***

Узбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Швейцария конфедерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Паул Випфлини қабул қилди.

Ислом Каримов Швейцария айни пайтда Узбекистоннинг Европадаги йирик ҳамкорларидан бирига айланганини, бу мамлакатда республикамизнинг савдо уйи фаолият юритаётганини мамнуният билан қайд этар экан, икки давлат ўртасида тобора ривожланиб бораётган муносабатларнинг шаклланишида жаноб Паул Випфли илк элчи сифатида муносиб ҳисса қўшганини таъкидлади.

Паул Випфли элчилик ваколати муддати тугаганини маълум қилар экан, Узбекистонни унутилмас хотиралар билан тарк этаётганини таъкидлади. Қисқа муддат ичида юртимизда улкан ўзгаришлар гувоҳи бўлганини, мамлакатимиз халқининг бой тарихи уни ўзига мафтун этганини қайд этди. Элчи, шунингдек, Узбекистон билан Швейцария конфедерацияси ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам ўзаро манфаатли асосда ривожланишига ишонч билдирди.

Қабул маросимида Узбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси С. Сафоев иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Суратларни Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 30 апрель, сешанба № 52 (21.973).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркия Президенти Сулаймон Демирэл шу йил 7-9 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Қурбон ҳайит муносабати билан Сизга ва Узбекистон халқига Америка халқи номидан ўзимнинг қизғин қутловларимни йўллайман. Бу — диний эътиқод ва садоқатнинг аҳамиятини муносиб равишда таъкид этадиган кундир.

Қурбон ҳайит сабр-тоқат, дўстлик, меҳр-мурувват ва тинчлик каби чегара билмайдиган ғоят муҳим аҳамиятга молик муштарак рамз эканига ишончим комил. Бу кун барчанинг ялпи осойишталик ва равнақ шароитида яшай олиши учун бизни яна бир бор эркинлик ва барқарорлик йўлидаги тўхтовсиз изланишларга илҳомлантиради.

Мен Сизга ва ҳамюртларингизга байрамингиз муборак бўлишини тилайман.

Эҳтиром ила,

Уильям КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак ва саодатли Ийд-ал адҳа кириб келиши муносабати билан мусулмонларнинг кўнгилларини маънавий шодлик тўлдирган ва мўминларнинг қалбларини қурбонлик ва фидокорлик хотиралари тўлқинлантираётган бир пайтда Сизга энг яхши саломларимиз, қизғин табрик ва тилакларимизни йўллашдан ғоят мамнунмиз.

Аллоҳ таолодан бундай дамларнинг кўп қайтарилишини ҳамда халқингиз Сиз билан боғлаган буюк ва эзгу орзу-умидларининг ушалишини илтижо қиламиз.

Барча мусулмон қардошлар уюшадиган, халқларимиз бирлиги ва юксак рисоласининг абадийлигини таъкидлаган ҳолда мўминларнинг қалблари аллоҳнинг муқаддас уйига талпинадиган бу муборак байрам кунлари кириб келиши фурсатидан фойдаланиб, муминлар қалбидан урин олган ҳамжиҳатлик ҳамда халқларимизда ҳушёрликни уйғотиш, бутунги ўзлигини, буюк маданий меросини, бир куни келиб ўзига муносиб урин олажагини ҳис қилишга қаратилган туйғуларни Сиз билан баҳам кўришни истардик.

Аллоҳ таборака ва таолодан халқларимиз бизга юклаган вазифани адо этишда, уларнинг турмуш даражасини кўтариш, башарият келажагини қуришда фаол иштирок этишларини таъминлаш, жаҳон халқлари ўртасида хавфсизлик, тинчлик, дўстлик ва иноқлик ўрнатилишида мадад ва муваффақият сураб қоламиз.

Сизга бўлган энг юксак дўстлик ва эҳтиром туйғуларимни қабул қилгайсиз.

Биродарингиз Ҳасан II,
Марокаш Қироли.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕККИНО» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз кинематографиясини ташкил этиш даражаси ҳамда унинг Узбекистон халқининг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, кўп асрлик маънавий, маданий қадриятлар ва миллий анъаналарини қайта тиклаш ҳамда бойитиш, шунингдек бозор муносабатлари шакланаётган шароитда миллий кинематография тараққиётини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида:

1. Узбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ва Узбекистон Кинематографиячилар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Киновидеомаҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказишда, шунингдек кино тармоғини шакллантиришда ягона сиёсат юритиш;

ўзбек миллий кино санъатининг энг яхши ютуқларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, замонавий дунёқарашни шакллантиришда, айниқса, ёш авлодда шундай дунёқарашни шакллантиришда кино санъатининг аҳамиятини ошириш, бадиий жиҳатдан юксак кино ва видеофильмлар ишлаб чиқариш, уларда миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш;

жаҳон кино санъатининг энг яхши ютуқларини тарғиб этиш, халқ онгида умумбашарий қадриятларга, миллий маданиятнинг буюк меросига ҳурмат-эҳтиромни, келажакка ишонч туйғусини тарбиялаш;

ижодий-ишлаб чиқариш, кино кўрсатиш ва видео бирлашмалари, корхоналари, ташкилотлари ҳамда пунктлари қайси идорага мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

халқнинг маънавий-ахлоқий ва маданий мулкининг бир қисми сифатида миллий кино ва видеофонд барпо этиш, мувофиқлаштириш ва сақлашда умумий умуммиллий сиёсат юритиш;

кино санъати соҳасида ташқи алоқалар ва фаол халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ва минтақа кинофестивалларини ташкил этиш, биргаликда фильмлар яратишни мувофиқлаштириш;

кино тармоғини бошқариш, аҳолига кино-видео хизмати кўрсатиш объектларини ҳудудларга жойлаштиришни такомиллаштириш масалаларида республика ва маҳаллий идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

четдан харид қилинадиган кино ва видео маҳсулотига эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудида кино ва видеофильмлар кўрсатиш ҳамда улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг ягона қоидасини белгилаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси ҳуқуқий шахс ҳуқуқларига эга бўлган, ихтиёрийлик асосида мулкчиликнинг барча шаклидаги киностудияларни, кино кўрсатиш ҳамда видео бирлашмалари ва пунктларини, шунингдек бошқа кинематография ижодий ва ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларини бирлаштирадиган очиқ турдаги акционерлик жамияти шаклидаги мустақил, ижодий-ишлаб чиқариш ва хўжалик бирлашмасидир.

4. «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси зиммасига кино ва видео маҳсулотлари ишлаб чиқариш, улардан нусха кўчириш, дубляж қилиш, кўрсатиш, импорт ва экспорт қилиш учун махсус ижозатномалар (лицензиялар) бериш вазифаси юклансин.

Шу масала юзасидан Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритилсин.

5. Узбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси иштирокида давлат кинематография ижодий-ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларини, кинолаштириш ва кино кўрсатиш ҳудудий бошқармаларини, давлат мулкининг бошқа турларини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириб, қайтадан тузиш чораларини амалга оширсин.

Бунда қайтадан тузиладиган корхона ва ташкилотларнинг давлатга қарашли акцияларининг бир қисмини «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компаниясининг дастлабки низом жамғармасини шакллантиришга йўналтириш кўзда тутилсин.

6. «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар уч йил давомида фойда, мол-мулк ва ердан олинадиган солиқларни тўлашдан озод қилинсин.

Мазкур солиқ имтиёзларининг жорий этилиши муносабати билан компания ихтиёрида қоладиган маблағдан миллий кино санъатини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилсин.

7. «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компаниясига, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларга давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинган маблағдан моддий-техник базани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафталик муддатда «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги ПФ-360 Фармонининг Узбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясига тааллуқли бандларига алоқадор қисмлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 29 апрель.

МАДАНИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ — ҲАМКОРЛИКНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Илгари хабар қилинганидек, Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 21-24 апрель кунлари Франция Республикасида сафарда бўлиб қайтди.

Президентнинг Франция Республикасига навбатдаги сафари буюк ватандошимиз Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тўйи ЮНЕСКО мутасаддилигида нишонланган кунларга тўғри келди.

Президентнинг ниҳоятда тиғиз сафар дастуридан ўрин олган тадбирлар диққат билан кўздан кечирилганда, уларнинг учта муҳим жиҳати кўзга ташланади:

1) Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллуди 660 йиллигининг ЮНЕСКО мутасаддилигида нишонланиши, унда Узбекистон Республикаси Президентининг иштирок этиши;

2) Узбекистон Президентининг Франция Президенти, парламенти раҳбарияти ва ҳукумат вакиллари билан учрашувлари;

3) Француз банк, молия ва ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувлар.

Бу воқеалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ахборот бериб борилганини ҳисобга олиб, уларга бу safар таҳлил нуқтаи назаридан ёндашиш мақбулроқ туюлади.

Буюк соҳибқирон таваллудининг тарих нафаси уфуриб турган, дунё маданияти маркази Парижда, халқаро маданият ва маърифат муассасаси ЮНЕСКО бош-қошлигида нишонланиши бундан беш йилгина бурун мустақилликка эришган Узбекистон тарихида муҳим воқеа бўлди. Узбекистон раҳбарияти, хусусан, Президент Ислом Каримов ва ЮНЕСКО бош директори Ф. Майор жанобларининг саъй-ҳаракатлари туфайли амалга оширилган бу тадбирлар мамлакатимизни Амир Темур сиймосида, у ҳомийлик қилган маданий, маънавий мерос орқали яна бир карра дунёга танитди.

ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзусида халқаро конференция ва кўргазма уюштирилди, ўзбек санъат усталари Париждаги «Одеон» театри ва ЮНЕСКО қароргоҳида концерт дастурларини намойиш этишди. Париж ва ЮНЕСКО тимсолидаги дунё уни завқу шавқ, олқиш-

(Давоми 2-бетда).

Иқтисодиёт олами • *Иқтисодиёт олами*

АНДИЖОН ТОЛАСИГА АМЕРИКАЛИКЛАР ХАРИДОР

Америка Қўшма Штатларидаги «Донавант энтрпрайзес» фирмасидан келган мутахассисларга Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Чинобод пахта тозалаш заводида ишлаб чиқарилган 900 тонна толанинг сифати маъқул бўлди. Хорижлик ҳамкорлар ўтказган танловда пахта толасини ўзаро шартномага мувофиқ Америкага жўнатишга лойиқлиги аниқланди.

Чинободлик пахта тозаловчилар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ҳисобига маҳсулот сифатининг жаҳон андозаси даражасида бўлишини таъминлашга эътибор бермоқдалар. Завод директори Қ. Собиров бошчилигида жамоа ишчилари, муҳандис-техниклар ва созловчилар маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилувчи тадбирларни амалга оширдилар. Бундай ҳаракат шартномачи ҳамкорларнинг кўпайишига, иқтисодий фойдага барака қўшмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

• НАМАНГАН (мухбиримиздан). Тадбиркорлик — замон талаби. Унинг тамойилларини халққа тушунтириш, тадбиркорлик янгиликларидан оммани бохабар қилиб бориш ниятида Наманган вилоят солиқ бошқармаси ва божхона хизмати «Иқтисодиёт ва солиқ» деб номланган янги газетани таъсис этишди.

Бу нашр тармоқ газетаси бўлса-да, ёритадиган мавзулар қамрови кенг, яъни вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалалари, бугунги кунда давлат ва хусусий корхоналар дуч келаётган муаммолар хусусида материаллар бериб бориш режалаштирилган. Шунингдек, бу газета тадбиркорлик сирлари ва маслаҳатлари ҳамда бошқа турли мавзуларни ҳам қамраб олади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ҲАМКОРЛАР ЁНМА-ЁН

• БУХОРО (мухбиримиздан.) Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида мамлакатимиз турли вилоятларидан келганлар билан ёнма-ён хорижлик ҳамкорларимиз ҳам ишлашяпти.

Кенг ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётган Қоровулбозорга Франциядан келаётган ускуналар, технологик жараёнларни монтаж қилишни ўз зиммасига олган Туркиянинг «Гама» фирмаси ишни бошлади. Яқин орада ускуналар монтаж қилинади.

Даврон БАҲРОНОВ.

ХЎЖАЙЛИ КИР СОВУНИ

• НУКУС (мухбиримиздан). Хўжайли ёғ-мой ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ўтган йили кир совунлар тайёрлашга киришган эди. Чунончи, бултур 170 тонна кир совун ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлар касалхона, поликлиника, болалар уйи ва боғчаси, мактаб-интернатларга арзон нархда сотилган эди. Корхонада 12 нафар киши меҳнат қилмоқда. Бу йил корхонани кенгайтириб, совун ишлаб чиқаришни йилига 380-400 тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ислоҳот ва масъулият

БУНИ РАҒБАТ ДЕСА БЎЛАДИ!

Навоийлик бободеҳқонлар, азамат пахтакорлар юртбошимизнинг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини зўр қониқиш билан кутиб олдилар.

Шу кунларда агросаноат мажмуининг қайси бир ходими билан суҳбатлашманг, ушбу умидбахш Фармондан ишонч ҳосил қилганига амин буласиз. Чунки Фармон ўз мавзу-моҳияти жиҳатидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга, тармоқда туб ислоҳотлар бўлишига кўмаклашади.

—Очиқ эътироф этадиган бўлсам, техника таъминотидаги узилишлар, эҳтиёт қисмлар тақчиллиги ишнинг белига тепаётган эди, — дейди вилоят қишлоқ хўжалик техникалари таъминот-таъмирлаш бошқармаси бошлиғи Ғ. Облоқулов. — Айниқса, машина-трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарининг буюртмаларига мувофиқ бажарган ишлари учун уч йилгача қўшимча қиймат солиғидан озод қилиш борасидаги бандлар бизни руҳлантирди. Чунки қарздор, молиявий жиҳатдан ўтириб қолган корхона ва хўжаликлар бизнинг вилоятда ҳам анчагина. Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати бу — кам рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан олинган кредитларга устама фоизларни тўлаш иккинчи йилгача кечиктирилганидир. Бу ҳам ўз навбатида қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсишига, маҳсулот етмаганидек, қарз устига қарзлар қўшилиши тизимда номутаносибликни юзага келтирувди. Энди бўлса...

Ҳа, бу сингари умидбахш фикр-мулоҳазаларни қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳа мутахассисларидан ҳам эшитдик. Экиш-тикиш завқи билан яшаётган вилоят деҳқонлари кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Навоийликлар жорий йилда ҳам галладан, ҳам пахтадан мўл ҳосил кўтаришмоқчи. Шу ўринда республикамиз Президентининг ушбу Фармони меҳнатга чорлов, ташаббускорликка рағбатдир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

Тошкент вилоятининг айрим тоғлик туманларида апрель ойининг ўрталарида бошланган кучли ёғингарчилик ва қор эриши натижасида сув тошқинлари содир бўлди. Натижада йўллар, кўприклар, экинзорлар, уй-жойларга бир қадар зарар етди. Табиий офатга қарши халқ иродаси мустаҳкам тўғон бўлди. Ҳукумат комиссияси ва туман ҳокимлари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун бир қанча ишларни қилмоқдалар.

Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари, Ангрен ва Янгиобод шаҳарларида қаттиқ сел келиши натижасида баъзи жойларда сув ўзанидан чиқиб, теварак-атрофга ёйилди. Натижада Тошкент — Қўқон, Нишбош — Ангрен йўлларида транспорт ҳаракати қисқа муддатга тўхтади. Ангреннинг Кўктерак қишлоғидан 50 оила, баъзи туманларнинг қишлоқларидан ҳам бир қанча оилалар бошқа жойларга кўчирилди.

Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тошқин оқибатларини атрофлича ўрганиб, тегишли чора-тадбирлар кўрмоқда.

Жойларда тиклаш-таъмирлаш ишлари жадал бошлаб юборилди. Биргина Паркент туманида бу ишларга 20 дан зиёд юк машиналари, автокран, бульдозер, экскаватор ва бир қанча ишчи кучлари жалб этилди. Сув қайта тошиши хавфи бўлган жойлар шиббаланмоқда, тўғонлар қўйилмоқда, қирғоқлар мустаҳкамланяпти. Вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари табиий офат оқибатларини тезда бартараф этиш учун зарур миқдорда маблағ ажратиб, шошилинч чора-тадбирлар кўришмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАДАНИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ — ҲАМКОРЛИКНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лар билан кутиб олди.

Амир Темур ҳазратлари ўрта асрларда ҳомийлик қилган, гуллаб-яшнатган шу маданият ва маънавият истибдод йилларида ўзлигимизни, ўзбекчилигимизни унутишга қўймади, миллий ўзига хослигимизни, тарихий қадриятларимизни серхатар вақт сўқмоқларидан эсон-омон олиб ўтди. Бугунги кунда эса қуллик кишанларидан халос бўлган халқимиз шуурига темурона миллий ғурурни олиб кирмоқда, давлатчилигимизни қайта тиклашга, ўтиш даври қийинчиликларини енгиб ўтишга ёрдам бермоқда.

ЮНЕСКО бош директори Ф. Майор мазкур ташкилот кенгашининг 149-сессиясида Ўзбекистон Президентига сўз бера туриб, ўзбек халқи, унинг кўп минг йиллик маданиятини астойдил яхши кўриб қолганини, шундай машаққатли ўтиш даврида мамлакатни бошқараётган инсон иродасига қойил қолмай иложи йўқлигини таъкидлади.

Бош директор жаноблари шундай улуғ маданият ва Сўғд, Хоразм, Бақтрия, Парфия, Кушон каби, қолаверса, Амир Темур барпо этган буюк давлатчиликнинг ҳақиқий ворисигина бундай оғир синовларга чидаши мумкинлигини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Маданият миллий ўзликни англашгагина хизмат қилмайди. Унинг фаолият майдони кенг. Бир халқ ҳамиша иккинчи бир халқни ўша маданият орқали танийди, тушунади. Шу маънода мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқалар равнақи иқтисодий иш бирлигига муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин. Гарчи европалик синчилар халқлар ўртасидаги тотувликни таъминлашда, муросага эришишда ўзаро иқтисодий боғлиқлик муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблашса-да, бу борада маданиятнинг роли ҳам ундан кам эмас.

ЮНЕСКО амалга ошираётган «Ипак йўли — мулоқот йўли» номли халқаро дастур ҳам аслида ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти ЮНЕСКО кенгаши 149-сессиясининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқида Ўзбекистон бу дастурни тўла қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Барча халқлар маданияти, ўтмиши, ўзига хос яшаш тарзини бирдай ардоқлаб келаётган мазкур ташкилот фаолиятига юқори баҳо берди. Бугунги тараққиёт суръати кўп жиҳатдан хилма-хил маданиятлар ва ақл-заковат интеграциясига бевосита боғлиқ эканини қайд этди.

Ўз фаолиятида нафақат фикрлар, қолаверса, маданиятлар плюрализми принципига таянадиган ЮНЕСКО бу ишни амалга оширишда дунё халқларининг бошини қовуштиришдай машаққатли вазифани бажармоқда. Шунинг учун ҳам «муроса» бу қароргоҳда энг кўп тилга олинадиган сўзлардан биридир.

«Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуидаги кўргазмага қўйилган экспонатлар Марказий Осиё халқлари тарихига тегишли бир неча минг йиллик даврни ўз ичига қамраб олади. Кўргазмага келган кишилар ўзбек халқ ижоди, маданий ва маънавий мероси, тасвирий санъати намуналари билан танишиш имконига эга бўлишди.

Темур ўша вақтдаёқ Европа ва Осиё давлатларини ягона иқтисодий маконга бирлаштиришга ҳаракат қилгани тарихдан маълум. У барпо этган буюк салтанат ўша вақтдаги интеграция, Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган маданиятлар мулоқоти эҳтиёжидан туғилган эди.

Ислом Каримов кўргазманинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Европа ва Осиё давлатлари ўрта асрларда ўзини ягона жуғрофийсиёсий маконга тааллуқли эканини англаганини Амир Темурнинг тарихий хизмати сифатида баҳолади.

Ушбу маданият ҳафталигининг очилиши Амир Темурнинг ўша хизматларига дунё халқлари эҳтироми, деб белган қарори минтақа халқлари маданий ҳаётида яна бир тарихий воқеа бўлиши шубҳасиз.

Бугунги «душманлик иш бўлмай қолган» (Алишер Навоий) дунёда энг яхши восита мулоқотдир, ўзга халқлар, давлатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ришталарини боғлашдир. Ўзбекистон Республикаси билан Франция ўртасида ривожланиб бораётган алоқалар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон Президентининг Франция Президенти билан Елисей саройидаги дастлабки учрашуви русумда кўзда тутилганидан деярли малол айтиш мумкин.

Орадан олти асрдан кўп вақт ўтганига қарамай, Амир Темур замони идеаллари ҳамон долзарблигича қолмоқда. Қолаверса, бу идеаллар бугунги дунё мамлакатлари ялпи интеграцияга эҳтиёж сезаётган бир пайтда ЮНЕСКОнинг ҳам энг олижаноб мақсадларидан биридир. Темур ва темурийлар даврида гуллаб-яшнаган маданият, маърифат, қарор топган маънавий қадриятлар ҳалигача дунёни бир бутун ҳолда тасаввур этиш, гуманизм ва инсонлар ўртасидаги тенглик, биродарликка хизмат қилиб келмоқда.

Бу кўргазма очилишига Франция Президенти Жак Ширакнинг рафиқаси билан ташриф буюриши муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур маросимда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, Марказий Осиё халқлари маданиятини қайта тиклаш ва тарғиб қилишдаги буюк хизматлари учун ЮНЕСКО бош директори Ф. Майорга «Дўстлик» орденини топширди. Франциялик машҳур олим, Темур ва темурийлар ҳукмронлиги йиллари тарихининг зукко билимдони, Ўзбекистон ва Франция маданиятларини ўзаро яқинлаштириш ишининг жонкуяри Л. Керэн жаноблари «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида ўша куни яна бир қадам қўйилди. Ўша куни Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНЕСКО ўртасида имзоланган битим фақат маданият, илм-фан ва маориф соҳалари муаммолари билан чекланиб қолмайди. У мавжуд экологик, хусусан, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг илмий ечимини топишни ҳам назарда тутиши билан қимматлидир. Битимга кўра, яқин келажакда ЮНЕСКОнинг Тошкентда ваколатхонаси очилади. Қолаверса, мазкур халқаро ташкилотнинг келгуси йили Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисида қабул қилган қарори минтақа халқлари маданий ҳаётида яна бир тарихий воқеа бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Президентининг Франция Президенти Жак Ширак жаноби олийларининг ЮНЕСКО қароргоҳида ташкил этилган «Темурийлар даврида фан, маданият ва маърифатнинг гуллаб-яшнаши» мавзуидаги кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этгани бу мамлакат ҳукуматининг Ўзбекистон билан нафақат сиёсий-иқтисодий, балки маданий алоқаларга ҳам алоҳида аҳамият бераётганини кўрсатади.

Ўзбек-француз алоқалари узоқ тарихга эга. Франция Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти билан учрашганида Амир Темурнинг 1402 йили француз қироли Шарль VI га йўллаган мактубини совға қилишида ҳам теран рамзий маъно бор.

Соҳибқирон ўша мактубида француз қиролини Турон заминига ўз савдогарларини юборишга чорлаган, уларнинг хавфсизлигига кафил бўлишини баён қилган бўлса, Ўзбекистон Президенти бугун француз ишбилармонларини ўзаро фойдали ҳамкорликка даъват этмоқда, уларнинг манфаатли иш бирлиги учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида ҳикоя қилишдан чарчамайди. Зеро, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик миқёси ниҳоятда кенг.

Ўзбекистоннинг дунё сиёсатида ҳам, иқтисодиётида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турган Франция Республикаси билан халқаро ташкилотлар, шунингдек, Европа тузилмалари доирасида ҳамкорликни кенгайтириши ва чуқурлаштириши алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, Франция Республикаси БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатида Марказий Осиё минтақасида тинчликни қарор топтириш ишига ҳам муҳим ҳисса қўшиши мумкин.

Ўзбекистон Президенти ўтган йили октябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарори билан қуроллароғлар олиб киришни таъқиқлашни таклиф қилган эди. Бу 17 йилдан бери фуқаролар уруши давом этаётган афғон тупроғига тинчлик олиб келиши, пировардида эса минтақа мамлакатлари иқтисодий равнақига йўл очиши мумкин бўлган бирдан-бир оқилона йўлдир. Ўзбекистон Президентининг мазкур таклифи Европа парламенти каби халқаро ташкилотлар, кўплаб мамлакатлар томонидан эътироф этилмоқда. Ҳамма гап энди уни амалга оширишда.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатлар марказида, табиийки, иқтисодиёт туради. Қалин иқтисодий ҳамкорлик бошқа соҳадаги алоқалар равнақига туртки беради.

Ўзбекистон Президенти Франция Президенти, Миллий Мажлиси раҳбарияти, ҳукумат ва ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашган чоғида буни қайта-қайта таъкидлади, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган эса-да, ҳали томонларнинг имкониятлари даражасидан анча паст эканини қайд этди. Буни Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 1995 йили, бор-йўғи, 17 миллион долларни ташкил этганидан ҳам билиб олса бўлади. Ваҳоланки, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 1 млрд. немис маркасини ташкил этди. Бу таъна эмас, балки ўзаро иш бирлигини кенгайтиришга бўлган даъватдир. Муҳими, ҳамкорлик йўлга қўйилгани. Уни ривожлантириш эса томонларнинг ўзаро алоқалардан нечоғли наф кўриши билан боғлиқ.

Франциянинг кўпгина корхоналари ҳозирги кунда Ўзбекистондаги устувор лойиҳаларга сармоя ётқизмоқда, уларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Булар сирасига Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида иштирок этаётган «Текнип» фирмасини, бу қурилишга сармоя ётқизаётган «Креди Коммерсал де Франс» ва «Париба» банкларини киритиш мумкин. Бундан ташқари, қоғоз ишлаб чиқариш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларида биз билан ҳамкорлик қилаётган француз фирма, компания ва банклари ҳам талайгина.

Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юксак технологиялар ва қайта ишлаш саноатига муҳтож. Франциянинг электроника, машинасозлик, туризм, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги имкониятлари, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари ўзаро муносабатларни янги, ҳар икки томоннинг манфаатларига тўлароқ мос келадиган даражага кўтаришни тақозо этмоқда.

Шу маънода Президентнинг Франция Республикасининг молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири Ив Галлан билан учрашувидан сўнг икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик тўғрисидаги конвенцияга қўл қўйилгани манфаатли ҳамкорликка яна бир муҳим ҳуқуқий асос яратилганидан далолат беради ва уларни кенгайтиришни рағбатлантиради.

Маълумки, ҳар бир ҳамкорлик ўзаро ахборот алмашишдан бошланади. Ислом Каримов Париж ва Лион шаҳарлари савдо-саноат палатасидаги, шунингдек, «Креди Коммерсал де Франс» банки уюштирган мамлакатимиз Президенти ҳамда Франциянинг етакчи компания ва банклари президентлари билан учрашуви чоғида ҳам франциялик ишбилармонларга Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишни истаган чет эллик иш одамлари ва сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, имтиёзлар, бўлажак ҳамкорлик соҳалари тўғрисида қайта-қайта сўзлаб берди.

Ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашиш учун Париж ва Лион шаҳарлари савдо-саноат палаталари танлангани ҳам бежиз эмас. Президент Париж савдо-саноат палатасидаги учрашуви чоғида Франциянинг савдо-саноат палаталари иқтисодий жараёнларни жадаллаштириш, ташқи савдо ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Буни Париж савдо-саноат палатасининг бир ярим асрлик, Лион савдо-саноат палатасининг уч асрлик тарихи ҳам яққол исботлаб турибди. Париж савдо-саноат палатаси Париж минтақасининг 273 минг корхонаси, Лион савдо-саноат палатаси эса Рон-Альп минтақасининг 50 мингдан ошиқ корхоналарини бирлаштиради.

Мавжуд шарт-шароитлар тўғрисида гапирганда, аввало, Ўзбекистоннинг муҳим жуғрофий-сиёсий жойлашуви, у орқали бутун Марказий Осиё бозорига чиқиш имконияти, ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос мавжудлиги, сиёсий-ижтимоий жиҳатдан барқарор экани, бой табиий ресурслари, тўловга қобиллиги, қўшма корхоналар учун солиқ ва бож имтиёзлари, чет эллик сармоядорлар ва ишбилармонларга нафақат иқтисодий, балки сиёсий кафолат берилиши, ер ва кўчмас мулк сотиб олишга ижозат этилишини таъкидлаш лозим бўлади. Истиқболли ҳамкорлик соҳаларига эса нефть ва газ саноати, кончилик саноати, кимё саноати, тўқимачилик, банк тизими, туризм, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш кабиларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон билан ҳамкорлик борасида Франциянинг жануби-шарқида жойлашган Рон-Альп иқтисодий минтақаси муҳим роль ўйнамоқда. 1995 йили Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги товар айланмасининг учдан бир қисми мазкур минтақа ҳиссасига тўғри келди, яъни 35 миллион франкни ташкил этди. Бу, албатта, дунёга ўзининг тўқимачилик саноати билан машҳур ҳамда ўзбек пахтасига эҳтиёж катта минтақа учун жуда оз кўрсаткич. Бироқ ўзаро товар айланмасининг ўсиш суръати кишини қувонтиради. Унинг ҳажми кейинги уч йил мобайнида ўн мартадан зиёдроқ ўсди.

Бундан ташқари, Лионда машинасозлик, фармацевтика, кимё саноати каби иқтисодий соҳалар ҳам тараққий этган.

Ўзбекистон Президенти республикамиз билан Франция ўртасидаги иқтисодий алоқаларни «Технологиялар — сиздан, ресурслар — биздан» принципи асосида ривожлантириш зарурлигини айтди.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Франция бир-бирини бугун кашф этаётгани йўқ. Аксинча, қайта танимоқда. Марказий Осиёнинг Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган кўҳна шаҳарлари асрлар оша француз шаҳарлари билан ўзаро мулоқотда бўлиб келган, савдо-сотиқ қилган. Лион ипак саноати Хитой ва Марказий Осиё хом ашёсини қайта ишлаш ҳисобига шаклланган.

Шу ўринда «Креди Коммерсал де Франс» банки маъмурияти уюштирган бир ибратли тадбирни эсга олиш мақсадга мувофиқ кўринади. Банк маъмурияти Ўзбекистон Президенти билан Франциянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари учрашувини Жакэмар Андре номидаги француз миллий музейи биносида уюштирди.

Банк ташкил этган бу тадбир ҳам ўз навбатида рамзий маънога эга. Парижга Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий ва сиёсий-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш учун ташриф буюрган Ўзбекистон Президентининг сафари мазмунини ўзида мужассам этади.

Зеро, маданият ва тарих ҳам сиёсат каби иқтисодий алоқалар униб ўсадиган майдондир. Лион шаҳри ҳокимининг муовини, Европарламент депутати А. Сулиэ жаноблари Ўзбекистон Президенти шарафига берилган зиёфатда бир гап айтди: «Биз шаҳримиз меҳмонларига Рим салтанати, Галлия тўғрисида, умуман, тарихимиз ҳақида ғурурланиб гапирамиз, лекин Амир Темурдай буюк зот авлоди бўлмиш Сиз жаноб Президентнинг олдингизда нима ҳам дейишимиз мумкин?» Бу унинг тарихлари тенгдош бўлган, аждодлари доимо ўзаро мулоқотда бўлиб келган халқларнинг бир-бирини ўзаро тушуниб олиши қийин эмас, дегани эди.

Шундай қилиб, Франция-га бўлган тўрт кунлик сафар ўз ниҳоясига етди. Унинг аҳамиятини вақт, ҳамкорлик борасида қилинажак ишлар кўрсатади. Бугун эса шу нарсани комил ишонч билан айтиш мумкинки, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар равнақига хизмат қиладиган ўта муҳим бир омил бор, у ҳам бўлса, иккала иқтисодиётнинг бирбирини тўлдириши мумкинлигидир. Бу эса ўзбек-француз алоқалари тез орада томонларнинг имкониятлари даражасига кўтарилишига умид уйғотади.

Фахриддин НИЗОМ.

***СУРАТДА:** ўзбекистонлик санъат усталари ЮНЕСКОнинг катта залида концерт намойиш этишди.*
Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИНИ ВА АЙРИМ СУДЬЯЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг раиси этиб Мингбоев Убайдулла Қурбонович;

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг судьялари этиб Қудратов Ҳамидулла Насимович; Эшонқулов Сайёр Юсуповичлар сайлансинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КОМСОМОЛОБОД ТУМАНИНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Андижон вилояти ҳокимининг илтимоси қондирилиб, Комсомолобод туманининг номи Улуғнор тумани деб ўзгартирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ УЛЬЯНОВО ШАҲРИНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Жиззах вилояти ҳокимининг илтимоси қондирилиб, Ульяново шаҳрининг номи Даштобод деб ўзгартирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 апрель.

Биз шундай халқмиз

26 ЁШЛИ «ОҚСОҚОЛ»



Сарлавҳани кўрибоқ ажабланманг. Худди шундай. Тангрининг иноятн, тақдирнинг марҳамати ила шу ёшда халққа бош бўлиш, одамларга мададкорлик барчага ҳам насиб этавермайдиган неъмат. Келинг, гапнинг индаллосига кўчайлик. Чеҳрасида навқиронлик, кўзларида ўйчанлик, кексаларга хос нуронийлик балқиб турган йигитни кўриб, «оқсоқол»лигига дафъатан ишонгим келмади. Танишдик. Абдулҳамид Саидов, 26 ёшда. Жанубнинг фусункор Сурхон вилоятидан. Дипломли, тарихшунос. Суҳбатимиз шунчалар самимий бошландики, дилимиздаги ҳар бир гапимиз табиий тўкилди:

— Абдулҳамид ака, пойтахтга нима юмуш билан келгандингиз?

— Гапни муқаддимадан бошласам. Шўрчи тумани Тошмат Бердиев номли жамоа хўжалигининг Бахшитепа-1 маҳалла фуқаролар йиғинида раисман. Шунингдек, туман кенгаши депутатиман. Жамоа хўжалигимизни газлаштириш бўйича баъзи мутасадди раҳбарлар билан учрашмоқчи эдим.

— Таҳририятга... (дейишим билан ўзлари гап бошладилар) Бир неча йил бурун муҳаррирга хат ёзгандим. Жавоб хати олгач, бир кўришиш истаги туғилди. Шуни кўпдан бери кўнглимга тугиб юрувдим.

— Шу ёшингизда маҳалла қўмитасининг раиси бўлиш...

— Билмадим, ҳар қалай 21 ёшимда тўрт рақибимнинг ичидан ғолиб чиққанман. Қизиғи шундаки, раис бўлиб сайланганимда ҳали уйланганим йўқ эди. Энг холис баҳоловчи ҳам, энг адолатли жазоловчи ҳам халқ деб биламан. Ўз халқингнинг назарига тушиш, уларнинг дарду қувончига шерик бўлиш, оғирини енгил қилиш энг олий шарафдир.

— Фаолиятингизни бошлабоқ, аввало нимага эътибор бердингиз?

— Ободонлаштириш ишларига. Кўприклар қурдик, йўлларни тош тўктириб таъмирлатдик. Хуллас, ҳали қилинмаган ишларимиз кўп.

Абдулҳамид ака қилинган ва қилинажак ишлари ҳақида кўп гапирди. Сўнг эркинроқ саволлар бердим.

— Бўш вақтингизда нималар билан шуғулланасиз?

У киши мийиғида кулди.

— Бўш вақт... Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайман. Баъзан шунақа бўладики, эрталаблари юстагача одамларни қабул қиламан. Имконим етганича барчанинг мушкулини осон қилишга, шодмонлигига шерик бўлишга ҳаракат қиламан.

— Ота-боболаримиз тоза палаклар тоза мева тугади дейишади...

— Бобомни Пиримқул Элбеги дейишган. Отам Менгли Муҳаммад хожи Саидов ҳалиям эл-улус хизматида. Жамоа раиси, халқ сайлаган.

— Отангиздан сизга қандай фазилатлар ўтган?

— Биринчи навбатда, тўғрисўзлик, оддийлик. Қўлдан келганча бошқаларга яхшилик қилиш.

— Оилангиз ҳақида икки оғиз гапирсангиз...

— Турмуш ўртоғим Ҳайитгулхон ҳамиша, нимаики бўлса мен учун оғринмайди. Худога шукр, икки нафар фарзандимиз бор.

— Аёлингиз тинib-тинчимаслигингиздан ҳеч оғринганми?

— Бўлади. Баъзан ярим кечалари келишади, кимдир қайтиш қилади, кимдир... Лекин бировнинг ҳожатини чиқарсам, у ҳам албатта хурсанд бўлади.

— Иш столингиздаги кундалик шнорингиз?

— Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Куч — адолатдадир» деган ҳақли эътирофлари.

— Тангридан тилагингиз?

— Ҳеч қачон халқнинг назаридан қолдирмасин, элуюртимдан йироқлаштирмасин. Юртимиз тинч, обод бўлсин!

«Ўзбекистон овози» мухбири
Озода БЕКМУРОДОВА
суҳбатлашди.

ТАРИХ — САБОҚ

«ЧИРНАЙ ПОШШО»

Севимли адибимиз Одил Ёқубов ҳозирги Россияни яралган айиққа ўхшатган эди. Дарҳақиқат, яқинда шу айиқ яна бир карра наъра тортди. Инсон ҳуқуқлари, айниқса, миллий республикалар манфаатларини поймол этган «қизил империя»нинг тарих саҳифасидан тушганига беш йил бўляпти. Бугун озод юртимиз бўй-бастини ростлаб, мажозий маънода айтадиган бўлсак, дўпписига, тўнига қўнган чангни, ғуборни қоқиб ташлаб, жаҳон даврасига кириб бормоқда. Ўзбек, Ўзбекистон деган сўзлар мағрур жаранглаётир. Биз шу муқаддас мустақиллигимиз қадрига етиш учун ўтмишимизга мурожаат этиб турмоғимиз лозим. Шу жиҳатдан, ушбу мақолада ўтган асрда Туркистон ҳудудига кириб келган, Чор Россиясининг босқинчилик амалларини бажарган генераллардан бири фаолияти тўғрисида сўз юритсак.

Чор Россиясининг империячилик руҳи билан заҳарланган генералларидан бири Черняев эди. Чор Россияси Ҳарбий Бош штаби унга Қўқон хонлигига ўнглаб бўлмас зарбани бериш масъулиятини юклаганди. 1863 йилнинг ёзида полковник унвонидаги Черняев Оренбург генерал-губернатори Безакнинг сукут ичра ризолиги остида Сирдарё ёқасидаги Сўзоқ қалъасини қўлга киритди ва уни атроф-теваракдаги аҳолиси билан бирга Россиянинг мулки деб эълон қилди. 1864 йилнинг баҳорида Сибирь ва Сирдарё йўналишидаги рус чоризми отрядлари бирлаштирилди. Унинг бош қўмондони этиб Черняев тайинланди. Бу йўналишда шу тариқа 13 та рота, пиёда қўшин, 5 та юзлик казак қисмлари, 18 та оғир тўп, 5 минг аскар мавжуд эди. Мукаммал қуролланган Черняев отряди 1 май куни ҳозирги Алмати шаҳрининг ўша вақтдаги Верний деб номланган мудофаа истеҳкомидан йўлга чиқиб, 4 июнь куни Авлиёота (ҳозирги Жамбул) шаҳрини жанг билан эгаллайди. 1500 кишилик Қўқон қўшинлари билан 2500 кишилик Черняев отряди тўқнашуви натижасида қўқонликларнинг 307 нафари шаҳид бўлди, 390 таси жароҳатланди. Чимкентга уюштирилган қайта-қайта ҳужумлардан сўнг рус мустамлакачилари 22 сентябрда шаҳарни ишғол қилдилар. Қирон келтирган аскар ва зобитларнинг анчаси Россиянинг олий даражали жанговар орден ва мукофотларига сазовор бўлдилар. Полковник Черняевга эса генерал-майор унвони берилади.

1865 йилда Сирдарё ва Янги Қўқон йўналишларидаги юришлар туфайли Тошкент бўсағаларигача эгаллаган ҳудудларда Туркистон области ташкил этилди. Бу область Оренбург генерал-губернаторлигига бўйсундирилди. Генерал Черняев Туркистон области ҳарбий-губернатори этиб тайинланди. У 1865 йилнинг май ойида Тошкентга қилинган ҳужумга бошчилик қилди.

Мансаб ва унвонларга ҳаддан ташқари ўч, шовинист, яъни буюк давлатчилик, босқинчилик ва ўзга халқларни тиз чўктириш руҳида тарбияланган Черняев Тошкентга қилинадиган ҳужумнинг бутун масъулиятини таваккал қилиб ўз зиммасига олди. Ниҳоят, 1865 йил 9 май куни икки томон кучлари тўқнашди. Рус қўшинлари босартусарини билмай, кенг ва чуқур Салор ариғидан ўтиб, тўпларнинг қаттиқ ҳимоясида шаҳарга яқинлашиб келавердилар. Олимқул бошчилигидаги қўшинларнинг йўлини тўсиб чиқди. Натижада жанг кутилгандан ҳам оғир ва шиддатли кечди. Черняев Бухорога борадиган йўлларни ҳам тўсиб қўйди. Сўнгра Тошкентга энг сўнгги ҳужумини бошлади. Аммо шаҳар аҳолиси қаттиқ қаршилик кўрсатишда давом этди. Кўчаларга чор қўшинларининг ҳаракатини қийинлаштирадиган тўсиқлар қўйилди. Халқ босқинчи каллакесарга Чирнайпошшо деб ном берди.

Тошкент шаҳри учун бўлган жангларда қаҳрамонлик кўрсатган мулла Солиҳбек охун тўғрисида икки оғиз сўз. Мулла охун Тошкентнинг машҳур бекларидан Убайдуллабек додхоҳнинг иккинчи фарзанди бўлиб, 1812 йилда таваллуд топган. Солиҳ охун Тошкент уламоларининг вакили бўлганлиги учун Умидиддин Марғиноний уни «Уламойи Кибор» тахаллуси билан тилга олади. Буюк адиб Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида Юсуфбек Ҳожи қутидор билан мулла Солиҳбек додхоҳнинг дўстлигини тилга олиб ўтиши бежиз эмас.

Тошкентни забт этган чор зобит ва аскарлари катта унвонлар, жанговар орденларга тақдим этилдилар. Черняевга умрбод катта маош билан, яъни ҳар йили 3 минг рубль миқдорида нафақа тайинланиб, «Олтин қилич» ва бриллиант совға қилинди. У подшонинг ардоқли генералларидан бирига айланди.

1866 йилнинг январь ойи охирларида Черняев бошчилигидаги қўшин Жиззахга ҳужум бошлайди. Кучсиз қолган жиззахликлар сони 8-9 минг кишига борар эди. Уларнинг жасорати туфайли генерал орқага қайтишга мажбур бўлди. 1868 йилнинг март ойида Черняев Петербургга чақирилиб олинади ва унинг ўрнига генерал Романовский юборилади. Лекин 14 йил ўтгач, аниқроғи 1882 йилнинг 25 майидан Черняев энди генерал-лейтенант унвонида Тошкентга, Туркистон генерал-губернатори вазифасига тайинланиб қайтиб келди. Бу вазифада 1884 йилнинг 21 февралигача ишлади. У 1886 йили истеъфога чиқиб, 1888 йилнинг 4 августида 60 ёшида вафот этди.

Чор ҳукумати бу генерални ўзига яраша «ардоқлади». Хусусан, ҳозирги Чимкент шаҳри 1864 йилдан то 1917 йилгача Черняев деб номланган. Шунга мувофиқ, 18 волостни бирлаштирган маъмурий ҳудудни Черняев уезди (Сирдарё области) деб аталган. Бу ном деярли йигирманчи йилларгача сақланиб келинди. 1895-1899 йиллари ётқизилган ҳозирги Ховос темир йўл бекати ҳамда посёлка номи шўро ҳукумати ўрнатилгунга қадар «Черняево» номи билан юритилган. Кейинчалик эса, шу темир йўлни қурган француз муҳандиси А. И. Урсати фамилиясидан «Урсатьевская» номи ясалиб бекат ҳам, посёлка ҳам шу ном билан аталиб келинган эди. Тошкент остонасида Черняев босиб ўтган Ғиштқўприк қишлоғи (ҳозирги Ўзбекистон ва Қозоғистон чегараларида жойлашган Тошкент вилоятига қарашли) «Черняев» деб атаб келинди. Мустақиллик шарофати ила қишлоқ яна ўз тарихий номини тиклади.

Мақола ниҳояси «кўприк» сўзи билан якунланар экан, бу ерда бир уйғунлик кашф этгандек бўламиз: Бири — ўзлигимизни қайтариб олиб, ота-боболар меросига кўприк солган бўлсак, иккинчиси — ҳозирги Россия Думасининг қарорига жавобан, Президентимиз таъбири билан айтганда, энди ортга йўл йўқ.

Илҳомжон ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон ФА Тарих институти аспиранти.

БАЛОҒАТ ЁШИГА НЕ БИЛАН КЕЛДИНГ?

Мустақил республикамизга соғлом, бақувват, қалби ўқиш, ўрганиш ва яратувчилик иштиёқида ёнаётган авлод керак. Хўш, уларни қандай тарбиялаймоқ, вояга етказмоқ лозим? Гулистон шаҳрида ўтказилган минтақавий семинар ана шу мавзуга бағишланди. Унда Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш идоралар, жамоа ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Семинар иштирокчилари қатор маърузалар тингладилар. Ўзаро тажриба алмашдилар. Жойларга чиқиб, Сирдарё вилоятида олиб борилаётган ибратли ишлар билан танишдилар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Илм масканларида

ИШ БИЛГАНГА...

Пахтачидаги Хумор қишлоғини ким билмайди дейсиз? Бу ердаги ҳунар-техника билим юрти 1974 йилда Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаров ташаббуси билан ташкил этилган. Ўтган йили эса ушбу маскан бизнес мактабига айлантирилди.

— Гап атаманинг ўзгаришида эмас, — дейди директор Сайфиддин Бобомуродов. — Йигирма йил давомида қишлоқ ёшларига замонавий билим, касб, ҳунар ўргатишда анчагина тажриба тўпладик. Биз тайёрлаган ҳисобчи-ЭҲМ операторлари, асаларичи, трактор-чи, тикувчи-бичувчилар, пайвандчилар, сартарошлар ва ошпазлар бугунги кунда туман аҳолисига бинойидек хизмат кўрсатишаётир.

Директор тўғри гапни айтди. Бу ерда ёшларнинг илм, ҳунар эгаллашлари учун ўқув хоналари замонавий техника воситалари, компьютерлар билан жиҳозланган. Муаллимларнинг асосий қисми олий тоифали. Мактаб ўқув тажриба хўжалигида пахта, полиз маҳсулотлари етиштирилади. Энг муҳими, деҳқончиликдаги асосий технологик юмушларни талабаларнинг ўзлари амалга оширишади. Юк машинаси, чопиқ трактори улар ихтиёрига бериб қўйилган.

Фақат бугина эмас. Бизнес мактабига қарашли талабалар кичик корхонаси, тикувчилик, оҳак тайёрлаш, ғишт пишириш цехлари, телерадио устахонаси, пойабзал тузатиш, темирчилик ва электрпайвандлаш бўлимлари анчадан бери қишлоқ аҳолисига хизмат қилаётир.

Мактабда дурустгина ҳарбий-спорт комплекси мавжуд. Бу ерда шуғулланаётган ёшлар туман ва вилоят мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаб келишяпти. Бундан ташқари мактабда қизиқарли кечалар, мушоира, баҳслар ўтказиб турилади. Хуллас, ёшларнинг фақат илм олиши; ҳунар эгаллашигина эмас, балки маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши учун ҳам бу ерда яхши ишлар олиб бориляпти.

Ўткир ПЎЛАТОВ.

ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНДИ

Ҳиссадорлар нима дейди?

Бўстонлиқ туманидаги очиқ турдаги Ғазалкент вино-озиқ-овқат корхонаси мулкчиликнинг ҳиссадорлик шаклига айлантирилганлигига кўп вақт бўлмаса-да, шу вақт мобайнида ҳиссадорлар ишлаб чиқаришда сезиларли ютуқларга эришдилар. Биргина ўтган — 1995 йилда жамоа аъзолари қандолат маҳсулотларидан крекер печенье-сини — 4132 тонна, вафлини эса 97 тонна миқдорида ишлаб чиқардилар. Вино, арақ, қуюлтирилган узум шарбати ҳам кўп миқдорда ишлаб чиқарилишига эришдилар.

Жорий йилнинг биринчи чорагида эса жамият ҳиссадорлари томонидан қандолат маҳсулотлари 1449 тонна ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 161 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хуллас, ўсиш даражаси ўтган йилдагидан 5,7 баравар юқоридир.

— Ютуқларга эришишимизнинг асосий омили корхонамизнинг мулкчиликнинг ҳиссадорлик шаклига айлантирилганлиги бўлса, кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ҳам муваффақиятимиз гарови бўлмоқда, — дейди жамият раиси Баҳром Аҳмеджонов. — Корхонамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларни жаҳон бозори талабларига мос даражага етказиш мақсадида бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Тайёр маҳсулотларнинг сифат даражасини ошириш билан бир қаторда уларнинг турларини кўпайтириш ва ташқи кўринишини яхшилаш мақсадида маҳсулотлар ёрлиқларини янгиладик. Шу билан бирга янги технология ва асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ниятида чет эл сармояларини корхонамизга жалб қилмоқдамиз. Жумладан, Германиянинг «Унимонт» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этиш арафасидамиз.

Жамият ҳиссадорлари ўтган йилда 6 миллион 586 минг сўмлик соф фойда олдилар. Бу йил эса ушбу рақамнинг икки баравар ортишига корхонада замин бор.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР БИРЛИГИ

• 20-21 апрель кунлари Бишкекда Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси Бош Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Ассамблея президенти Чингиз Айтматов раҳбарлигида ўтган бу мажлисда маданий алоқалар воситасида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон халқларининг азалий дўстлиги ва бирлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ассамблея Бош Кенгаши мажлисида ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Ёзувчи Т. Қаипбергенов Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси жамғармаси бошқаруви раиси, тадбиркор Ф. Ҳамроев жамғарма ижрочи-директори этиб тасдиқланди. Мажлисда шу йилнинг ёзида «Марказий Осиё маданияти тақдири» мавзуидаги симпозиум ўтказишга қарор қилинди.

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

• Қозоғистон Республикасининг Жамбул вилоятидаги драма театрида ўзбек ва тожик маданият марказининг фестивали бўлиб ўтди. Абай номли театрда бўлиб ўтган бу фестивалда рассом М. Раҳимжонованинг ишлари, санъаткорлардан Ф. Мамажонов ва Т. Зокировнинг асарлари намойиш этилди.

Фестиваль меҳмонлари ўзбек ва тожик халқининг миллий урф-одатлари билан танишдилар. Масалан, чақалоққа исм қўйиш, тўй маросимлари ва кундалик ҳаёт манзараларини кўрдилар. Қўшиқлар, шеърлар ва мусиқа янгради. Ошпазлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди. Анъанавий палов эса театрнинг ҳовлисида тайёрланди. Вилоятдаги немис, корейс, татар, бошқирд, турк ва дунган миллий марказлари вакиллари фестиваль меҳмони бўлишди.

ИҚТИСОДИЙ ТАНГЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

• Тожикистонда иқтисодий қолоқлик давом этмоқда. Аграр республика ҳисобланган бу мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг ўзида 20 фоизга камайди. Пахта етиштириш мўлжалдагидан 333 минг тоннага камроқ бўлди. Дон 370 минг тоннага, картошка эса 92 минг тоннага камайди. Чорвачиликдаги йўқотишлар ҳам катта. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳам қисқарди.

ИККИ ТОМОН УЧУН ҲАМ ҚУЛАЙ

• Булоқбоши туманининг Қирғизистон чегараси яқинида жойлашган Ширмонбулоқ қишлоғида сутни қайта ишлайдиган цех ишга тушди. Бу кичик завод 10 тоннагача сутни қайта ишлаб, ундан қаймоқ, сариёғ, пишлоқ, сузма олишга имкон беради. Завод маҳсулотлари нафақат булоқбошиликларга, балки қўшни Қирғизистон аҳолисига ҳам етказиб бериляпти. Ушбу цехнинг ишга тушиши ҳар икки мамлакат фуқаролари учун ҳам қулайлик туғдирмоқда.

ФИНАЛДА ҒОЛИБ ЧИҚИШДИ

• Жамбулда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича халқаро турнир ўтказилди. Финал учрашувида Ўзбекистон ўсмирлар терма командаси Қозоғистон жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Марказий Осиё чемпиони бўлдилар.

(ЎзА ва Марказий Осиё ахборот агентликлари хабарларидан олинди).

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

БИРГАЛИКДАГИ ҲАРБИЙ МАШҚЛАР

• *Жорий йилнинг июнь ойида АҚШ билан Россия биргаликда ҳарбий машқлар ўтказади. Машқлар давомида тактик ракеталарга қарши мудофаа тизими такомиллаштирилади. АҚШ Мудофаа вазирлиги вакили ушбу хабарнинг тўғрилигини тасдиқлади. Машқлар 3-7 июнь кунлари Колорадо штатидаги Фэлкон авиабазасининг синов майдонида ўтказилади.*

КЕНГ КЎЛАМДАГИ ҲУЖУМ

• Шри-Ланка ҳукумати қўшинлари мамлакатнинг шимолидаги Жафна оролини озод қилиш учун «Тамил илама» — «Озодлик йўлбарслари» қуролли гуруҳларига қарши кенг кўламда ҳужум бошлади.

Ҳукумат ҳарбий қўмондонлигидан хабар берилишича, қўшинлар Жафна оролини тўла ўраб олган. Авиация ва оғир техника ёрдамида армия қисмлари Чавакаччери шаҳрини эгаллади ва жанг билан Килали шаҳрига яқинлашмоқда. Ҳарбий вертолётлардан эса исёнчиларнинг катта оролга сув орқали ўтиш йўллари тўсиб қўйилган.

КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНДИ

• *Америка Қўшма Штатлари 1988 йилда уриб туширилган Эрон фуқаро самолётида ҳалок бўлганларнинг қариндошлари учун юз миллион долларлик компенсация пулини ажратди. Маълумки, ўша йили АҚШга тегишли қирувчи самолёт йўловчи ташувчи А-300 аэробусини Форс бўғозида уриб туширганди.*

САЙЛОВДА ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

• *Ҳиндистон Ички ишлар вазирлиги 200 минг нафардан иборат полициячи ва хавфсизлик кучлари ходимларини мамлакат парламентининг қуйи палатасига бўладиган сайловни тинч ва қонуний ўтказишни таъминлаш учун жалб қилди.*

Кучларнинг асосий қисми ҳарбий-транспорт самолётлари орқали Андхра-Прадеш, Ассом, Бихар ва Орисса штатларига юборилди. Ҳукумат вакилининг фикрига қараганда, сайлов давомида мазкур штатларда тартибсизликлар рўй бериши эҳтимоли кўпроқ, шунингдек, 100 мингга яқин ҳарбийлашган полиция армияси Жамму ва Кашмир штатига юборилган.

• 30 йилдан буён қувғинликда бўлган Фаластин Миллий Кенгаши биринчи маротаба ўз ҳудуди — Ғазо секторида сессия ўтказди. Ушбу сессияда 32 йил олдин қабул қилинган Исроил давлатини йўқ қилиш ҳақидаги чақириқ ва унга тегишли иловалар «Фаластин хартияси»дан олиб ташланди.

***

• Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида чегаралар ҳудудида ҳарбий соҳада ишонч тадбирлари тўғрисида беш томонлама битим имзоланди. Ушбу битимни бешала давлат бошлиқлари имзоладилар.

***

Сочидаги «Орленок» лагерида ёнғин чиқди. Ушбу Бутунроссия болалар маркази ҳудудида анъанавий шанбалик ўтказилиб, йиғилган ахлатлар ёқиб юборилганди. Бироқ, олов кучайиб кетиб, у ошхона томига ҳам ўтиб кетди. Натижада бинонинг катта қисми жиддий шикастланди.

ЛЎНДАСИНИ АЙТГАНДА

Сиёсий иқлим

АНГЛАШУВ БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

Уч мамлакат — Эрон, Туркманистон ва Арманистон ўртасида англашув битими имзоланди. Ташқи ишлар вазирлари томонидан имзоланган мазкур англашув битимига кўра, банклар тўғрисида ижроия низом, юк ташиш ва транспортга оид муштарак низом, савдо-сотиқ орқали товар айирбошлашни 3 млн. доллар миқдорига етказиш ва Ереван шаҳрида уч мамлакат иштирокида савдо-сотиқ кўргазмасини ташкил этиш бўйича келишувлар тасдиқланди.

Шу ҳужжатга асосан, Теҳрон шаҳрида уч мамлакат банк қўмитаси котибиятини таъсис этишга қарор қилинди.

Уч томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади, мазкур минтақанинг салоҳиятини оширади. Аминмизки, шу тарздаги ҳамкорликнинг мунтазамлиги бошқа қўшни давлатларга, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам янги иқтисодий имкониятлар эшигини очади.

Бундай битимга эришиш билан Эрон ўзи учун Марказий Осиёда Туркманистонга, Кавказда эса Арманистонга ўтадиган катта «кўприк» бунёд этди. Арманистон учун дунёнинг энг катта нефть манбаларидан бирига йўл кенгроқ очилди. Туркманистон эса ўз манфаатдошларини жаҳоннинг яна бир йирик мамлакати ҳисобига кўпайтирди.

Битимни имзолаш пайтида Президент Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийлари: «Эрон Ислом Жумҳурияти Марказий Осиё ва Кавказдаги давлатлар билан минтақавий доирада ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш, ўзининг барча тажриба ва имкониятларини баҳам кўришга тайёр», — деб айтди.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.



Туркиядаги Иймир кўли.

Австралия

БАРОҚЛАР АЭРОБИКАСИ

Мельбурн. Семизлик ташқи кўринишингизни бироз қўполлаштиради, соғлиққа зарар. Тўғри, бу ҳаммага маълум нарса. Лекин семизлик ҳайвонларга, айтайлик мушукларга қандай таъсир этади? Умрига-чи? Шу ҳақда ўйлаганмисиз? Австралияликлар бу масалани аллақачон ўйлашган, ечиминиям топишган.

Мельбурнлик миллионер Горация Уикс уй ҳайвонларини ортиқча вазндан сақлаш учун мушукларни соғломлаштириш махсус клубини ташкил этди.

Ҳайрон бўлишингиз мумкин, мушуклар «машқ»ни қандай қилиб бажаради деб. Уларнинг энг қизиқарли, оздирувчи машқларидан бири механик «сичқон»дир. Намойиш залида эса Бирман мушуклари бажарган машқлар тасвирга туширилган фильмлар намойиш қилинади.

Қизиғи, клуб «аъзо»лари сал ўтмай машқларни мустақил экранга қараб бажаришга одатланишаркан.

ДУШАНБА — ЕНГИЛ КУН ЭМАС

ТЕЛЕОЙНА

Тележурналистлар орасида қизиқ бир гап «юради». Ўзларидан эшитганмиз. «Кўрсатувимни зўрға кечқурунга қўйдирдим. Яхши бўлди. Кундузи кетса ким ҳам кўрарди?» Ўйлаб қоласиз. Савол туғилади: нега энди ҳар қандай кўрсатувнинг яхши-ёмонлиги ёки унга томошабиннинг муносабати эмас, балки кўпроқ вақт ҳисобга олиняпти? Нима, кечқурун берилаётган кўрсатувларнинг ҳаммаси мухлислар эътиборига тушяпти деб бўладими? Албатта, йўқ!

Аксинча, кун сайин «Ассалом, Ўзбекистон», «Камалак» ёки ТВ-2 дастурларининг аудиторияси тобора кенгайиб бораётганлигини тан оладиган бўлсак, вақт тушунчаси чекинади. Хўш, унда муаммо қаёқда? Аввало ҳамма гап ҳар қандай кўрсатув (мавзу ёки жанридан қатъи назар)га ижодий ёндашувга боғлиқ. Тележурналист ҳеч қачон вақт билан эмас, балки ҳақиқий ҳакам ҳисобланмиш томошабин билан ҳисоблашади.

Улар эса... Ўз муносабатларини ҳозирча «Телеойна»га йўллашяпти, айтишяпти.

Наима ТУРСУНОВА, ўқитувчи: — Мен ўтган ҳафта Президентимиз бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг қутлуғ тўйи муносабати билан Францияга қилинган сафар таассуротларини телевидение орқали кўриб ғоят фахрланиб кетдим. Жонли кадрлар орқали ўзим ҳам Европанинг катта давлатини томоша қилиб қайтгандай бўлдим.

Ҳакима ИБРАГИМОВА, Поп тумани, Ғурумсарой қишлоғи, алоқа ходими: — Тўғриси, сал яхшироқ кўрсатувлар кўпинча кечқурун бериляпти. Қишлоқ жойларда соат тўққиздан кейин кўпчилик дам олади ахир! Яна бир томони, кейинги пайтларда «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи»дан кўнглим тўлаяпти. Фақат ўз вақтида берилса.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА, оператор: — Очиғи, ҳар душанба куни намойиш этилаётган видеоканаллар халққа кўп нарса беряпти. Фақат вақти узунроқ. Имкон бўлса ярмига қисқартириб, энг эътиборлилари танлаб олинса. Яна бир таклифим: ким қандай қабул қилади, билмайман, менимча, видеоканалдаги ҳамма кўрсатувларни энди бошқа кунларга ҳам сочиб юбориш керак. Чунки душанба — енгил кун эмас-да...

С. АЗИМОВ, Тошкент шаҳри: — «Ғолиб курси» деган кўрсатувни шахсан мен ҳеч ҳазм қилолмадим. Саволлари бирам жўн, бирам саёзки, ҳатто боғча болаларим жавобини билади.

Амрилло БЕШИМОВ: — Менга 22 апрель куни IV-дастур орқали берилган «Дунё эшиги» кўрсатуви жуда маъқул бўлди. Ўзбекистон — Франция ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар тарихи ва бугунги истиқболли ҳамкорликлар хусусида ғоят қимматли маълумотлар олдим.

НИГОРА, талаба: — Билмадим, «Ёшлик»ка кўз тегди шекилли. Бундан 3-4 йил аввал қандай яхши кўрсатувлар бўлса, албатта ана шу таҳририят номи ёзилмаса ҳам билиб олар эдик. Ҳозир бу сезилмаяпти.

Манзура АБДУРАҲМОНОВА, кутубхона ходими: — Мени бир нарса қувонтиряпти. У ҳам бўлса бошловчилар энди экранда ўзларини эркин ҳис қилишяпти. Айниқса, Муслим Йўлдошев ва «Камалак» дастури муҳаррири Ёдгора Зиёмуҳамедовалар олиб бораётган кўрсатувлар анча жонли чиқяпти.

«Телеойна»ни Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.

Спорт

ЧАВАНДОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Термиздаги Абдуҳолиқ Каримов номли отчопарда чавандозлар ўзаро куч синашдилар.

Ўзбекистон спартакиадаси дастури бўйича ўтказилган бу мусобақада олтмишга яқин чавандоз қатнашди. Учкураш баҳсларида мезбонлардан Валерий Чекалин ғалаба қозонди. Тошкентлик Абдуғани Абдуқодиров билан андижонлик Ғайрат Мирзажоновлар иккинчи ва учинчи ўринларни олишди. Баландлиги 140 см. ли тўсиқдан ўтишда тошкентлик Александр Мартинов маҳорат кўрсатди. От йўрттиришда эса тошкентлик Наташа Тарасова чемпион бўлди.

«САМАРҚАНД ЮЛДУЗЛАРИ»

Эшкак эшувчиларнинг қадимий шаҳарда ўтказилган республика мусобақасига ана шундай ном берилди.

Владимир Казанцев бир кишилик байдаркада минг метрли масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. У 500 метрли масофага ўтказилган мусобақада Андрей Шилин билан ҳамкорлик қилиб, маррада яна биринчи бўлди. Шу масофада аёллардан Ирина Лялина маҳорат кўрсатди. Энди қайиқчиларимиздан 14 нафари 10-12 май кунлари Японияда ўтказиладиган олимпиадачиларни саралаш баҳсларида иштирок этадилар.

ДУРАНГГА ЎРИН ЙЎҚ

Кеча мамлакат футбол чемпионатининг учинчи тур ўйинлари якунланди.

Бу йилги мавсумда ҳар бир жамоа фақат ғалаба қозониб, ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Учинчи тур ўйинларига келиб бор-йўғи дастлабки дуранг натижа қайд этилгани ҳам шундан. Хусусан, «Косонсой» — «Трактор» жамоалари ўйини 1:1 ҳисобида тугади. Қолган учрашувлар қуйидагича ўтди: АСК — «Динамо» (С)— 1:0, «Сўғдиёна» — «Наврўз» — 3:1, «Пахтакор» — «Янгиер» — 1:2. Биринчи лига жамоалари орасида «Зарафшон» билан «Прогресс» тўққиз очко билан олдинда боришмоқда. «Ситора», «Шаҳрихон», «Насаф», «Ғазалкент», «Кимёгар», «Боғдодчи», «Роҳат» футболчилари олтитадан очко тўплашди.

УН ва ДОН

ишлаб чиқариш билан машғул бўлган фабрикалар диққатига:

* Мини лаборатор тегирмонлар;
* Ун ва дон маҳсулотлари; намлигини аниқловчи жиҳозлар;
* Ун тегирмонлари учун вальцлар;
— БЗН (1000x250)
— БВ (1000x250)
— БВ (800x250)
* Полипропилен қоплар (50-15 кг сиғимли)

СОТИЛАДИ



FIRMA DEMIR

Манзил: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26

Тел: 33-06-00, 33-81-48, 56-07-59, 56-12-98, 56-57-04, 41-87-73, 30-76-31, 30-40-42.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0183

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

топширилди 23.00.

"ЭКОГЕОТ" фирмаси

пул ўтказиш йўли билан

Финляндиянинг **ВЕ-95** ва Қозоғистоннинг **А-76 ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЕНЗИНИНИ** сотади, ёнилғини сақлаш ва қуйиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Шунингдек, юк ва енгил автомобиллари учун кенг турдаги **АВТОШИНАЛАР ВА АККУМУЛЯТОРЛАР** мавжуд.



Шошилинг, нархлар 10-20 фоиз арзон!

Хусусий АЁҚШларини ҳамкорликка таклиф этамиз.

Манзил:
Тошкент, Пушкин кўчаси, 59.
"Средазцветмет" институти, 1-қават,
"Ҳамид Олимжон" метро бекати.

Телефонлар:
(3712) 68-56-41, 68-16-41 (соат 8.30дан 18.00гача)
36-00-45 (соат 8,30дан 18.00 гача)

"ЎЗБЕКДАВЦИРКИ" БИРЛАШМАСИ
ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Хадра майдони)
ЙЎЛБАРСЛАР ЎЙНАТИЛАДИГАН
КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Биринчи ўзбек йўлбарс ўргатувчиси ФУРҚАТ ЮНУСОВ

ТОМОШАЛАРДА ЎРГАТИЛГАН ТУЯЛАР, КУЧУКЛАР, БАҲАЙБАТ ИЛОНЛАР ВА БОШҚА ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ЎЙИНЛАР ТОМОШАБИНЛАРГА ЗАВҚ-ШАВҚ БАҒИШЛАЙДИ.

Томоша икки бўлимли, катта ва ранг-баранг дастурдан иборат.

Томошалар **27-28 апрель соат 12.00 ва 15.00да, 3 май соат 18.00 да, 4-5 май 12.00 ва 15.00да, 9 май 12.00да ва 15.00 да, 10 май соат 18.00да, 11-12 май соат 12.00 ва 15.00да** намойиш этилади.

Жамоа бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-04.

ÖZBEK SERVIS MAS

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

Ўзбекистон-Белорусь қўшма корхонаси.

Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни сотади:

МАЗ автомобилларининг эҳтиёт қисмлари (100 номда)

Шу жумладан:
- *МАЗ-53366* автомобили соябони (тенти) пломбалаш троси билан,
- *202* генератори,
- ременлар,
- датчиклар,
- турли турдаги амотизаторлар,
— кабина қопламалари
- *А24-1, А24-5* электролампалари.

Шунингдек, **МТЗ** тракторларига эҳтиёт қисмлар (30 номда), шу жумладан:
- блок головкаси,
- цилиндрлар блоки,
- гидроусилитель,
- коленваллар вкладишлари билан,
- дисклар ("ведомий" ва "нажимной") сотилади.

300x508 шиналари сотилмоқда.

Ҳақ тўлаш шакли — сўмда нақд пул ўтказиш, вексель йўли билан.

Манзил: Тошкент, Кафанов — Нукус мавзеси, 3.
Телефонлар: 54-99-19, 54-62-09,
Факс: 54-88-11.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — МАҲСУЛОТЛАР ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ.

"ПГС" КОРХОНАСИ

Юқори самарали, тежамли, ишлатилиши осон, махсус таълим ва жой талаб этмайдиган **МИТТИ НОВВОЙХОНАЛАРНИ СОТАДИ.**

Унда ёпиладиган махсулотлар (печенье, кулчалар, батонлар, нон ва бошқалар) сифатли ва мазалидир!

Кафолати — 12 ой.

Манзил: Тошкент, Халқлар дўстлиги кўчаси, 29. (Собир Раҳимов метро бекати.)
Телефонлар: 79-14-29 (кундузи), 53-58-82 (кечқурун).

МУСЛИМОВА КИФОЯТ ПАЯСОВНА

Ўзбек театр саҳнасига 1933 йилда машҳур Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтўраева билан биргаликда қадам қўйган Кифоят Муслимова 80 ёшга тўлиш арафасида ҳаётдан кўз юмди.

Халқ севган санъаткор республикамиз маданияти равнақи учун умрининг сўнгги дақиқаларига қадар хизмат қилди. Санъаткорнинг ижодий парвози республика Маданият вазирлиги уни 1937 йилда Самарқанд вилоят Ҳамид Олимжон номли театрга ишга юборгандан сўнг кенг қамров олди.

Шу саҳнада Кифоят Муслимова жаҳон шоҳ асарларидаги бош ролларни ижро этди. Ўзбек драматургияси асарлари — «Майсаранинг иши»да Майсара, «Бой ила хизматчи»да Хонзода образларини яратди.

Кифоят Муслимова Катта Фарғона канали қурилишидаги кўрсатган хизматларидан бошлаб то замонамиз қаҳрамонлари ҳаётини акс эттирадиган образлар яратиш бўйича осон бўлмаган ижодий йўлни босиб ўтди.

Халқи ва эл-юрт олдидаги хизматлари учун Кифоят Паясовна Муслимова 1950 йилда «Республикада хизмат кўрсатган артист», 1954 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвонига сазовор бўлган. 1957 йилда К. Муслимова «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланди. Кейинги йилларда толмай хизмат қилар экан, К. Муслимова бир неча бор Самарқанд вилоят Кенгаши депутати сифатида фаолият кўрсатди, давлатимизнинг қатор медаллари билан тақдирланди. 1994 йилда Кифоят Муслимова мустақил республикамизнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани санъаткорнинг юксак савиядаги фидокорона меҳнатига берилган юқори баҳо бўлди.

Кифоят Паясовна Муслимова умрининг охиригача мустақил ўзбек халқи оташин зиёлиларининг фидойиси сифатида келажакка ишонч билан яшаб ўтди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

«СОҲИБҚИРОН» ПЬЕСАСИ САҲНАДА

ҚАРШИ. Вилоятда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли вилоят мусиқали драма театри жамоаси Амир Темур туғилган кунига муносиб туҳфа тайёрлашди. Шоир Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» номли шеърий драмасини саҳналаштирди. Асарни «Мулоқот» театри студиясининг бош режиссёри Абдураҳмон Абдуназаров саҳнага қўйди. Соҳибқирон ролини иқтидорли ёш актёр Музаффар Турақулов ижро этди.

Илҳом КАРОМОВ.

БЕБАҲО БОЙЛИК

Тошкентдаги Н. А. Семашко номли саломатликни тиклаш ва физиотерапия маскани юртимиздаги ягона даргоҳлардан бири. Бу ерда дардманд кишиларнинг кўнглини олиш, касалликларни даволаш йўлида турли изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ибн Сино айтганидек, аввало ширинсуханлик, кейин дори-дармон ва ниҳоят, жарроҳликка қўл уриш каби омиллардан унумли фойдаланишга эътибор қилиняпти. Бу масканда одамлар кайфиятини кўтариш учун хайрли ишлар қилинмоқда.

Яқинда соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган ўзига хос тадбир ҳам саломатлигини тиклаётган кишиларда яхши таассурот қолдирди. Йигилишда институт директори, академик Карим Йўлдошев дил сўзларини айтди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари ҳамда бошқалар ҳам темурийлар даврида оқибат, қадр-қиммат ва инсонийлик анъаналари ғоят қадрланганлиги ҳақида сўзлашди. Шунингдек, ҳаваскорларнинг чиқишлари ҳам кўпчиликни хушнуд этди.

Жамила ВАҲОБОВА.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши Талабалар шаҳарчаси ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котибининг муовини Алишер Азизович Аюповга волидаи муҳтарамаси **Азизахон АЮПОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.